

Тошкент ш.

2022 йил "06" 04

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA" давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "GIDROSUV-INJINIRING" масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-000034-сонли лицензия асосида иш юритувчи директори Шарипова В.А, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда "Тарафлар" деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 1-апрелдаги 55670-сонли танлов натижасига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда "шартнома" деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи ИЛ "Тошкент шаҳар, Янгихаёт тумани, Дўстлик, ТХАЙ, Янги хаёт кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш" (АРТ 1-2, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 32 133 200 (Ўттиз икки миллион бир юз ўттиз уч минг икки юз) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.





2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-илоvasида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инobatга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.



4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.





## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар



бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- 1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
- 2-илова – Календар иш жадвали;
- 3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси, 16а-уй.

100021860262777068805110224  
100021860262777068805110224  
КАЗНАЧЕЙСТВА  
РУС  
100001010  
201 122 919

### БАЖАРУВЧИ

“GIDROSUV-INJINIRING” MChJ

Manzil: Toshkent sh., Labzak ko'chasi 1a

Tel/faks: +99890-920-26-47

x/r: 20208000500758890001

Toshken shaxri «Ravnaq-bank» AJ

MFO: 00980 INN: 304806829

OKONX: 66000 OKED 71110

Ro'yhatdan o'tish kodi QQS 326050110556

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров



Директор

В.А. Шарипова



Handwritten signatures in blue ink at the bottom of the page.

“Тасдиқлайман”  
Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.  
Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров

“08” 04 2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Янгихаёт тумани, Дўстлик, ТХАЙ, Янги хаёт кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг  
**БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сағдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

### КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Янгихаёт тумани, Дўстлик, ТХАЙ, Янги хаёт кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 17 март куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 55670 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “GIDROSUV INJINIRING” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб комиссия аъзолари фикр алмашган ҳолда:




## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 01 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик, ТХАЙ, Янги ҳаёт кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда қўқаламзорлаштириш” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “GIDROSUV INJINIRING” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


### Комиссия аъзолари:

  
С. Сағдиев

  
Ш. Қодиров

  
О. Хамидов

  
П. Абдусатторов

  
А. Абдунабиев



Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг  
Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 7 мартдаги 211-14-0-0/22-сонли қарори  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигиндан ажратилган бюджет сугдаси ҳисобидан  
объектларнинг қурилиш бўйича  
2022 йилги МАНСИЛДИ РЎИХАТИ




08.03.2022

"Келишилди"  
Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт  
вазирлигининг бош бўлиқармаси  
Ш.С.Шукуров  
2022 й.


№	Объектлар номи ва қилини	Қурилиш бўлиғи ва фойдаланиш шарафига	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома асосида) бўлиши, бўлиши, қилиши.	01.01.22 й. ҳаётда бўлган объект қиймати (сўраш ҳисобидан) бўлиши.	01.01.23 й. ҳаётда бўлган объект қиймати (сўраш ҳисобидан) бўлиши.	01.01.23 й. ҳаётда бўлган объект қиймати (сўраш ҳисобидан) бўлиши.	01.01.23 й. ҳаётда бўлган объект қиймати (сўраш ҳисобидан) бўлиши.	2022 йил 999 қилиши бўлиқлар дивизи					2022 йилда фойдаланишга таъинланди		01.01.23 й. ҳаётда бўлган объект қиймати (сўраш ҳисобидан) бўлиши.	01.01.23 й. ҳаётда бўлган объект қиймати (сўраш ҳисобидан) бўлиши.	Экспресс таҳрир (таърир) бўлиши ва сўраш бўлиши рақами	Таърир (таърир) бўлиши ва сўраш бўлиши рақами	Таърир номи	
								Жами қилиши	Қурилиш - қилиши	Жилои	Жами	Қурилиш - қилиши	Жилои	Жами						Қурилиш - қилиши
1	Тошкент шаҳар, Бетназар тўғриси, Олимпиклар, Исҳоқ, Ҳасан	Қурилиш бўлиғи	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	1 061,700	0	0	1 061,700	0	0	1 061,700	0	0	1 061,700	121-14-0-0/22-сонли қарор	Тошкент шаҳар	Таърир
2	Тошкент шаҳар, Мирзо Улғабек тўғриси, Дўғончи йўли, Мирзо Улғабек	Қурилиш бўлиғи	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	105 980	0	0	105 980	0	0	105 980	0	0	105 980	121-14-0-0/22-сонли қарор	Тошкент шаҳар	Таърир
3	Тошкент шаҳар, Мирқобил тўғриси, Ойбек, Янги Қўшиқ, Солиқ Аҳликом	Қурилиш бўлиғи	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	89 510	0	0	89 510	0	0	89 510	0	0	89 510	121-14-0-0/22-сонли қарор	Тошкент шаҳар	Таърир
4	Тошкент шаҳар, Олмасор тўғриси, Фирқийил, Йўриқовил, Сайди	Қурилиш бўлиғи	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	99 680	0	0	99 680	0	0	99 680	0	0	99 680	121-14-0-0/22-сонли қарор	Тошкент шаҳар	Таърир
5	Тошкент шаҳар, Серғали тўғриси, Янги Серғали, Йўриқовил, Катта	Қурилиш бўлиғи	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	79 960	0	0	79 960	0	0	79 960	0	0	79 960	121-14-0-0/22-сонли қарор	Тошкент шаҳар	Таърир
6	Тошкент шаҳар, Учташа тўғриси, Фирқийил, Шайхон, Мақорил, Шайхон	Қурилиш бўлиғи	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	118 200	0	0	118 200	0	0	118 200	0	0	118 200	121-14-0-0/22-сонли қарор	Тошкент шаҳар	Таърир
7	Тошкент шаҳар, Чўпамор тўғриси, Қосимқул, Йўриқовил, Дўғончи	Қурилиш бўлиғи	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	77 440	0	0	77 440	0	0	77 440	0	0	77 440	121-14-0-0/22-сонли қарор	Тошкент шаҳар	Таърир



№	Объектлар номи ва мазмуни	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун шунга қўйилмашар дивиденди				2022 йилда фойдаланишга топширилган		16	17	18	19	20	
								9	10			11	12						13
1																			
8	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абди Абдулла Қовқорий, Эшонқосимов, Нурдинов, Қўчқор Девонка, Давлатўстон бўғачларда сўғришти оғочлардан ва оғоч чиқаршни қўлдоғларини қўриш ҳамда бўғачларга оғочларни қўриш ишлари	2022 й	объект	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) бўғачлар, боғлар, ёшиллик, боғлар, ҳудудлар	01.01.22 й.	01.01.23 й.	01.01.24 й.	Жамъ қилинган дивиденд суммаси	72 390	Кўриштирилган дивиденд суммаси	Жамиқ	Бўғачларнинг ҳудудларини қўриш ишлари	72 390	объект	01.01.23 й.	01.01.23 й.	Экспортга қўришган русиан ва сависан	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Танкилот номи
9	Тошкент шаҳар, Қўлдоғчи тумани, Дамир Теодор, Янгилдашар, Янча Юнусовлар, Насриддин, Абулқасим Қўлиевларда сўғришти оғочлардан ва оғоч чиқаршни қўлдоғларини қўриш ҳамда бўғачларга оғочларни қўриш ишлари	2022 й	объект					127 070			Жамиқ	Бўғачларнинг ҳудудларини қўриш ишлари	127 070	объект				Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер
10	Тошкент шаҳар, Янқасар тумани, Ширин Рўстемовлар бўғачларда сўғришти оғочлардан ва оғоч чиқаршни қўлдоғларини қўриш ҳамда бўғачларга оғочларни қўриш ишлари	2022 й	объект					72 080			Жамиқ	Бўғачларнинг ҳудудларини қўриш ишлари	72 080	объект				Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер
11	Тошкент шаҳар, Янқасар тумани, Дўстлик, ТХАЙ, Янча Дамир бўғачларда сўғришти оғочлардан ва оғоч чиқаршни қўлдоғларини қўриш ҳамда бўғачларга оғочларни қўриш ишлари	2022 й	объект					56 350			Жамиқ	Бўғачларнинг ҳудудларини қўриш ишлари	56 350	объект				Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер
12	Тошкент шаҳар, Янқасар тумани, Қўриқчи (Янқасар), Мақсудовлар бўғачларда сўғришти оғочлардан ва оғоч чиқаршни қўлдоғларини қўриш ҳамда бўғачларга оғочларни қўриш ишлари	2022 й	объект					71 590			Жамиқ	Бўғачларнинг ҳудудларини қўриш ишлари	71 590	объект				Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер



“Киритилди”  
Тошкент шаҳар ҳокимлигини  
қўриқчи бўғачларни қўриш ишлари  
Р.У.Қўчқоров  
2022 й.



“Келмишган”  
Тошкент шаҳар ҳокимлигини  
қўриқчи бўғачларни қўриш ишлари  
Д.Н.Исмагулова  
2022 й.

*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*